

1369/3329 - عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَلَغَ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ سَلَامٍ مَقْدَمُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ، فَأَتَاهُ فَقَالَ: إِنِّي سَأَلْتُكَ عَنْ ثَلَاثٍ لَا يَعْلَمُهُنَّ إِلَّا نَبِيُّ، قَالَ: مَا أَوْلُ أَسْرَاطِ السَّاعَةِ؟ وَمَا أَوْلُ طَعَامٍ يَأْكُلُهُ أَهْلُ الْجَنَّةِ؟ وَمِنْ أَيِّ شَيْءٍ يَنْبَغُ الْوَلَدُ إِلَى أَبِيهِ؟ وَمِنْ أَيِّ شَيْءٍ يَنْبَغُ إِلَى أَحْوَالِهِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: حَبَّرَنِي بِهِنَّ آيَةُ جِبْرِيلَ. قَالَ: فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: ذَاكَ عَدُوُّ الْيَهُودِ مِنَ الْمَلَائِكَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَمَّا أَوْلُ أَسْرَاطِ السَّاعَةِ فَنَارٌ تَحْتُرُّ النَّاسَ مِنَ الْمَشْرِقِ إِلَى الْمَغْرِبِ، وَأَمَّا أَوْلُ طَعَامٍ يَأْكُلُهُ أَهْلُ الْجَنَّةِ فَرِيَاذَةُ كَبِدِ حُوتٍ، وَأَمَّا الشَّبَبُ فِي الْوَلَدِ: فَإِنَّ الرَّجُلَ إِذَا عَشِيَ الْمَرْأَةُ فَسَبَقَهَا مَاؤُهُ كَانَ الشَّبَبُ لَهُ، وَإِذَا سَبَقَ مَاؤُهَا كَانَ الشَّبَبُ لَهَا. قَالَ: أَشْهَدُ أَنَّكَ رَسُولُ اللَّهِ، ثُمَّ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ الْيَهُودَ قَوْمٌ بُهْتُ، إِنْ عَلِمُوا بِإِسْلَامِي قَبْلَ أَنْ تَسْأَلَهُمْ بِهَتُونِي عِنْدَكَ، فَجَاءَتِ الْيَهُودُ وَدَخَلَ عَبْدُ اللَّهِ الْبَيْتَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَيُّ رَجُلٍ فِيكُمْ عَبْدُ اللَّهِ بْنُ سَلَامٍ؟» قَالُوا: أَعْلَمْنَا، وَابْنُ أَعْلَمِنَا وَأَحْيِرْنَا، وَابْنُ أَحْيِرِنَا، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: أَفَرَأَيْتُمْ إِنْ أَسْلَمَ عَبْدُ اللَّهِ؟ قَالُوا: أَعَادَهُ اللَّهُ مِنْ ذَلِكَ، فَخَرَجَ عَبْدُ اللَّهِ إِلَيْهِمْ فَقَالَ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، فَقَالُوا: شَرُّنَا، وَابْنُ شَرِّنَا، وَوَقَعُوا فِيهِ.

1369.3329. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Саломга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг Мадинага келганларининг хабари етди. Шунда у зотнинг олдиларига келиб: «Мен сиздан уч нарса ҳақида сўрайман, уларни фақат Набий билади: Соъатнинг (қиёматнинг) биринчи нишонаси нима? Жаннат аҳли ейдиган биринчи егулик нима? Қай сабабдан бола отага тортади-ю, қай сабабдан тоғаларига тортади?» деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Буларни ҳозиргина менга Жаброил хабар берди», дедилар. Абдуллоҳ: «У яхудийларнинг фаришталардан бўлган душмани-ку!» деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Соъатнинг биринчи нишонаси одамларни

машриқдан мағриб томон ҳайдаб, тўплайдиган оловдир. Жаннат аҳли биринчи ейдиган егулик эса наҳанг жигарининг ортиғидир. Боладаги ўхшашликка келсак, эр аёли билан қўшилганда агар унинг суви ўзиб кетса, ўхшаш унга бўлади, аёлнинг суви ўзиб кетса, ўхшаш ўшанга бўлади», дедилар. У: «Гувоҳлик бераманки, сиз албатта Аллоҳнинг Расулисиз», деди. Сўнгра: «Эй Аллоҳнинг Расули, яҳудийлар бўҳтончи қавм, агар сиз улардан сўрамай туриб, менинг мусулмон бўлганимни билишса, ҳузурингизда менга бўҳтон қилишади», деди. Кейин яҳудийлар келишди, Абдуллоҳ уйга кириб турди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Абдуллоҳ ибн Салом ичингизда қандай одам?»** дедилар. Улар: «У бизнинг энг олимимиз ва энг олимимизнинг ўғли, энг яхшимиз ва энг яхшимизнинг ўғли», дейишди. У зот: **«Агар Абдуллоҳ мусулмон бўлса, нима дейсизлар?»** дедилар. Улар: «Бундан уни Аллоҳнинг Ўзи асрасин!» дейишди. Шунда Абдуллоҳ уларнинг олдига чиқиб: «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир», деди. Улар: «У энг ёмонимиз ва энг ёмонимизнинг ўғли», дейишди ва уни қоралай кетишди».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI